

ЎЗБЕКИСТОН ҚАДИМИЙ ҚАДАМЖОЛАР МАСКАНИ

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Йигиталийева Широной

Юртимизда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш борасида залворли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу соҳа бўйича Президентимиз томонидан қабул қилинаётган муҳим ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш борасидаги сайёҳаракатлар барчамизни қувонтиради. Юртимизда тарихий обидалар, қадимий қадамжолар кўп. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва бошқа вилоятлардаги тарихий обидалар хорижлик сайёҳларни тобора кўпроқ қизиқтирмоқда. Сайёҳлар оқими кундан-кунга кўпаяётганлиги қувонарли. Лекин ҳар бир ҳудуднинг ҳам ўз тарихи, қадимий обидалари бор. Жумладан, Сирдарё вилоятда ҳам бир нечта тарихий обидалар борлиги билан фахрлансак арзийди. Фақат улар ҳақида халқимиз, ҳаттоки, сирдарёликларнинг ўзлари ҳам кам билишади. Сардоба тумани ҳудудидаги қадимги Сардоба обидаси, Сирдарё туманидаги қадимий Қизтепа тепалиги ҳамда Ховос туманидаги Эски Ховос тепалиги шулар жумласидандир.

Ховос республикамызнинг энг кўҳна, тарихий гўшаларидан бири бўлиб, у Уструшона давридаги қадимги сарҳадларида ўз ўрни бўлганлиги тарихий манбаларда келтирилган. Ховос тўғрисида қадимий манбалар, ҳатто зардуштийларнинг муқаддас китоби – Авестода ҳам битиклар мавжуд.

Бу ҳудуддаги Эски Ховос шаҳри харобаси Сирдарё вилоятининг, қолаверса, бутун Мирзачўл ҳудудининг энг катта ва муҳим ёдгорлигидир. Ушбу шаҳар харобалари бугунги Ховоснинг жануби ғарбида – Карвонсарой қишлоғининг қаршисида жойлашган. Ҳозирги кунда тепаликнинг 12 гектардан иборат умумий майдони сақланиб қолган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида таниқли олим, тажрибали археолог Алексей Андреевич Грицина Ховос харобаларига илк бор мутахассис сифатида эътибор берган. Кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Чоч-Уструшона экспедициясининг А.А.Грицина раҳбарлигидаги Сирдарё отряди

ёдгорликда Эски Ховос шаҳри харобалари ўрнидаги Ховос тепалигида археологик казишмалар ўтказиб, унда қадимий қатламлар мавжудлигини аниқлади. Эндиликда эски Ховос ўзининг мустаҳкам истехкомларига эга бўлган Сирдарё вилоятининг илк эллинистик даврига оид энг қадимий шаҳри деб ҳисобланмоқда.

1988-1989-йиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг Сирдарё археологик отряди илк бор Эски Ховос харобаларида қазилма ишларини олиб борганлиги натижасида ёдгорликнинг энг пастки қатламларидан олинган археологик манбалар милодгача I ва милодий I асрларда пайдо бўлганлигини кўрсатади. Яъни Эски Ховос камида икки минг йиллик тарихга эга ва бутун Сирдарё вилояти ҳудудидаги энг қадимги шаҳар харобаси қолдиғи эканлиги исботланди. Бу ерда ўтган йиллари қазилма ишлари олиб борган А.А.Грицина ва у раҳбарлигидаги экспедиция гуруҳига ховослик меҳнат фахрийлари Маҳмасидиқ Содиков (марҳум), кекса ўқитувчи Боймурод Азимов бевосита кўмаклашишган.

– Бу ерда олдин ҳам бир неча марта қазилма ишлари олиб борилган, – деб маълумот берган Алексей Грицина. – Изланишларимиз натижасида қалъа деворларининг сақланиб қолган айрим қисмлари, турли рўзгор буюмлари, ов қуролларининг қолдиқлари ва бошқа топилмалар тепалик ўрнида қадимда шаҳар бўлганлигидан дарак беради, аксарияти тахминан эрамиздан олдинги IV ва V асрларга тўғри келади. Бошқа ҳудудлардаги қазилма ишлари пайтида тупроқнинг каттиқлиги ишимизни қийинлаштирар эди. Бу ердаги тупроқ анча майин. Яна бир муҳим томони, деворлар бир неча қатламдан иборат, уларнинг қайси даврларга тегишли эканлигини аниқлашга ҳаракат қилаёпмиз. Энг катта топилмалардан бири бу – Юнон девори қолдиқлари саналади. Буюк Ипак Йўли йўналишида жойлашган бу қадим шаҳар харобалари орасида ўтмишнинг қанчадан қанча сирлари ётганлигини аниқлаш экспедициянинг келгусидаги режаларидан ўрин олган.

–Вилоят тарихи ва ўлкашунослик музейи қошида музейни қадимий, Сирдарё вилояти тарихига оид экспонатлар билан бойитиш мақсадида ташкил этилган илмий тадқиқот маркази мутахассислари ҳам ушбу қазилма ишларида бевосита иштирок

этишмоқда, – дейди музей директори Зокир Холдоров. – Тепаликдан топилган буюмлар рўйхатдан ўтказилиб, музей экспонатлари қаторидан жой олмоқда. Мана шу экспонатлар боис кейинги пайтда музейга қизиқувчилар, бу ерга келувчилар сони тобора ортиб бораётгани, айниқса, қувонарли.

Эски Ховос тепалигидаги қазилма ишлари кетаётган жойда бўлганимизда неча минг йиллик тарих яшириниб ётган кўҳна шаҳарнинг кўчаларида юргандек, аجدодларимизнинг нафасини сезиб, топилган буюмларнинг бўлакларида уларнинг қўл излари акс этгандек туюлди. Қазилма ишлари пайтида бу ердан тегирмон тоши чиққанига гувоҳ бўлган эдик. Ушбу бир чеккаси синган тегирмон тошининг диаметри 90 сантиметр, ўртасидаги тешигининг айланаси 12 сантиметр ва тошнинг қалинлиги 9 сантиметр эканлиги қайд этилди.

Булардан ташқари, тепаликда икки қатор ҳимоя деворларининг бўлаклари ҳам борлигини кўрдик. Айниқса, бу ердан антик асрга тегишли тегирмон тоши, XII асрга тегишли шамдоннинг қолдиғи топилганлиги аجدодларимизнинг ҳаёт тарзидан гувоҳлик беради.

Олимларнинг таъкидлашларича, бу ноёб топилма XII асрга тегишли шамдоннинг қолдиғи, банди бўлиб, унда Ҳумо қушининг тасвири туширилган эди. Бундан IX аср аввал нафис қилиб ишланган шамдоннинг бўлагиди қўли гул ҳунарманднинг бор маҳорати мана мен деб ўзини намоёниш этиб турарди.

Айниқса, эрамиздан аввалги III ва II асрга оид маъбуда – Анахита ҳайкалчаси (ҳосилдорлик, қайта туғилаётган табиат рамзи) бизда катта қизиқиш уйғотди. Демак, милoddан олдинги IV асрдан то XX асрга қадар Ховос қадим Фарғона, Чоч ва Сугдда савдо ҳамда ҳарбий ҳаракатлар йўналишлари чорраҳасидаги қулай ва муҳим манзилгоҳ вазифасини ҳам бажарган. Бу ерда биз ўтмиш билан учрашдик гўё.

Ҳа, кўҳна тепаликни мозий билан бизни боғлаб турган кўприк десак, хато қилмаймиз. Шу ўринда грузин халқининг бир одати ёдимизга тушди. Уларнинг каттаю кичиги тоғу тошлар орасидан агар эски бир тақа топиб олса ҳам, бу ота-боболаримиздан қолган табаррук буюм деб, ёдгорлик сифатида асраб-авайлаб олиб

кўяр экан. Ўз ичига неча асрларни жамлаган бу кўҳна тепалик эса бизга битта эмас юзлаб, минглаб қимматли буюмлар, ёдгорликларни тақдим этаётган экан, уларни кадрлаш, асраш бугунги ва келажак авлодларнинг бурчи саналади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги йилларда Эски Ховос шаҳри харобаларидан топилган ноёб археологик манбалар илмий жиҳатдан ўрганилди. Натижада, А.Грицина ва М.Содиқовнинг ҳаммуаллифлигида “Эски Ховос ва унга қўшни ҳудудлар қадим ва ўрта асрларда” номли китоби нашр этилди. Ушбу асар нафақат қадимги Ховос, балки бутун Сирдарё вилояти тарихини ўрганишда асосий илмий манба саналади.

Анбар биби мақбараси зиёратгоҳи

Анбар биби мақбараси (XIV-XV асрлар) Занги ота умумий мажмуа таркибига кирган тарихий архитектура ёдгорлигидир. Анбар она номи тарихда «Меҳрибон ва саховатли улуғ она» тимсолида муқаддас саналган. Мақбарадаги хилхоналарда жойлашган қабрнинг бирига Анбар биби ва иккинчисига Сулаймон Ҳаким ота Боқирғонийнинг онаси дафн этилганлиги аниқланган. Анбар биби мақбарасининг ҳозирги кунгача асл қиёфаси деярли сақланиб, унинг қадимги гумбази қайта тикланиб, умумий кўриниши қайта таъмирланган. Занги отанинг аҳли аёллари Анбар бибининг асли исми шажарада ёзилишича, Райҳона ва қизлари Қорасоч, унинг асл исми Ойжон бўлиб, вафотларидан сўнг икковлари бир қабристонда дафн қилинганлар.

Заркент ота зиёратгоҳи

Паркент туманидаги Заркент қишлоғининг юқорисида – Чотқол тоғ ён бағрида жойлашган «Заркент бобо», «Қуш қўнмас авлиё» номлари билан машҳур бўлган зиёратгоҳ. Бу ердаги табиий булоқ Заркент қишлоғини ичимлик сув билан таъминлайди. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, ушбу зиёратгоҳнинг ўзига хос ноёб хислати мавжуд. Биринчиси, бу жойдаги дарахт ва буталарга булбулдан бошқа қуш қўнмайди. Ривоят қилинишича, асли Шомда туғилган ва замонасининг илмли кишиси бўлган Сайид Жаъфар Ғозий Заркентга келади. Бу ерда у кишига Ҳизр

алайҳиссалом учрайди. Сайид Жаъфар Ғозийнинг ташналигини қондириш учун ҳассасини тошга уради ва булоқ пайдо бўлади. Ғозий душманлари таъқибидан ҳалос бўла олмагач, ушбу булоқ атрофидаги бутазорга кириб кетган ва қайтиб чиқмаган. Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, бу булоқ сувидан ичган одамлар бўқоқ касали билан деярли оғримас экан.

Сардоба зиёратгоҳи

Озодлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган гумбаз шаклида қурилган тарихий обида. Сардоба соҳибқирон Амир Темури томонидан қурдирилган. Бундай сардобалар Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ҳам аниқланган. Қадимда сардоба атрофидан қарвон йўли ўтган бўлиб, у ерда қишлоқ жойлашган. Кейинчалик қишлоқ бузилиб, уни одамлар тарк этганда шу сардоба ва унинг ёнидаги катта қабристон қолган. Сардобага маҳаллий аҳоли Қайнарбулоқ дея ном берган. Ривоятларга кўра Амир Темури аскарларига доимо икки ёки уч донадан ғишт олиб юришларини буюрган. Булоқ бўйларида дам олганда ўша ғиштлардан сардоба қурдириб дам олиш учун маскан ҳозирлар экан. Бу ҳам айнан шу усулда бунёд этилган деган фикрлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда тарихни асраш ва уни келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎЗБ.1.п Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Бобожонов Х., Хасанов Б. Ўзбекистон тарихи. — Тошкент: “Ўқитувчи”, 2019.
3. Ширинов Т.Ш. Ўзбекистон археологияси ва қадимий цивилизациялар. — Тошкент: Фан, 2015.
4. Ҳасанбоев Ж. Маданият ва тарихий ёдгорликлар.— Тошкент: Янги аср авлоди, 2020.

5. Юсупов О. Самарқанд ва Бухоро – ислом цивилизацияси бешиги. — Тошкент: Мовароуннахр, 2016.
6. Рўзиев М. Ўзбекистонда зиёрат туризми ва муқаддас қадамжолар. — Тошкент: Туризм, 2021.